



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 226 (11.787)

Баҳоси эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАТАРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов  
Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг  
таклифига биноан 23 ноябрь куни расмий ташриф билан  
Доҳа шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Қатар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари,  
томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммо-  
лар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривож-  
лантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.  
(ЎЗА)

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАТАРГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Доҳа, 23 ноябрь. ЎЗА махсус мухбири  
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов  
Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг  
таклифига биноан 23 ноябрь куни расмий ташриф билан  
Доҳа шаҳрига келди.

Қатар араб мамлакатлари ўртасида  
юксак нуфузга эга давлатлардан бири-  
дир. Қатар араб давлатлари орасида  
биринчилардан бўлиб Ўзбекистон муста-  
қиллигини эътироф этган (1991 йил  
30 декабрь).

Ўзбекистон учун Қатар билан ҳамкор-  
лик Араб дунёси давлатлари билан савдо-  
иқтисодий, сиёсий, транспорт ва ком-  
муникация ҳамда маданий-гумани-  
тар каби соҳаларда янада самарали ҳам-  
корлигини янгидан-янгий истиқболлари-  
ни очади. Ўз навбатида, Қатар Ўзбеки-  
стон билан муносабатларга устувор  
аҳамият қаратиб, мамлакатимиз ра-  
барияти томонидан минтақавий ва

халқаро миқёсда олиб борилаётган  
бунёдкорлик ҳамда амалий характерга  
эга сиёсатни юксак баҳолайди.  
Ташрифнинг асосий воқеалари  
24 ноябрь куни бўлиб ўтади. Ўзбеки-  
стон ва Қатар раҳбарлари ўзаро ҳам-  
корликини кенгайтириш масалаларини,  
ўзларини қизиқтирган минтақавий ва  
халқаро аҳамиятга молик долзарб  
муаммоларни муҳокама қиладилар.  
Музокаралар якунида икки давлатнинг  
турли соҳалардаги ҳамкорлигини рив-  
ожлантиришга қаратилган қатор икки  
томонлама ҳужжатлар имзоланиши ку-  
тилмоқда.

(ЎЗА)

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Қонунчилик палатасининг  
навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда  
иқтисодий, социал, суд-ҳуқуқ  
соҳаларидаги ислохотларни янада  
чуқурлаштиришга, фуқароларнинг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
таъминлашга қаратилган долзарб қону-  
н лойиҳалари кўриб чиқилди.

Чунончи, депутатлар  
«Ўзбекистон Республика-  
сининг Жиноят ҳамда Жи-  
ноят-процессуал кодексла-  
рига ўзгартиш ва қўшим-  
чалар киритиш тўғриси-  
да»ги қонун лойиҳасини  
кўриб чиқдилар. Мазкур  
қонун лойиҳаси Жиноят ва  
Жиноят-процессуал кодек-  
сларнинг асосий амал-  
да пушаймон бўлганлиги  
туфайли жавобгарликдан  
ёки жазодан озод қилиш  
институтини билан боғлиқ  
нормаларини такомил-

лаштириш мақсадида иш-  
лаб чиқилган. Мамлақати-  
миз қонун ҳужжатларига  
жиноий жавобгарликдан  
озод қилиш учун асос си-  
фатида амалда пушаймон  
бўлганлик институтини ки-  
ритиш ўта хавфли жино-  
ятларни ўз вақтида аниқ-  
лаш ва улар оқибатлари-  
нинг олдини олиш мақса-  
дида шахсларнинг ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш органла-  
ри билан ҳамкорлигини рағбат-  
лантиришга қаратилган-  
дир. Депутатлар бу қонунни ҳам  
унинчи ўқишда қабул қил-  
дилар ва маъқуллаш учун  
Сенатга юбордилар.  
(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар  
ҳокимлигининг Ахборот  
хизмати ва ўз муҳбарларимиз  
хабарларидан.

✓ **РЕСПУБЛИКА** болаларни ижтимо-  
ий мослаштириш маркази ва «Сен ёлғиз  
эмассан» жамоат жамғармаси ҳамкорли-  
гида 29-30 ноябрь кунлари «Соғлом тур-  
муш — баркамол авлод тарбияси асоси»  
шиори остида халқаро форум ўтказилди.

✓ **«БОСМА** оммавий ахборот восита-  
ларининг фуқаролик институтлари тизи-  
мидаги ўрни» — ушбу мавзуга бағиш-  
ланган конференция 30 ноябрь куни Муста-  
қил босма оммавий ахборот восита-  
лари ва ахборот агентликларини қўллаб-

қувватлаш ва ривожлантириш жамоат  
жамғармаси томонидан ташкил этилмоқда.

✓ **ҲАМЗА** тумани ўқув-спорт техник  
клуби картинг бўйича Ўзбекистон кубоги  
учун мусобақада биринчи ўринга сазо-  
вор бўлди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кеча  
«Ўзэкспомарказ»  
мажмуасида  
«ЎзАгроЭкспо-  
2010» олтинчи  
халқаро қишлоқ  
хўжалиги, озиқ-  
овқат саноати учун  
жиҳозлар ва  
хизматлар  
кўргазмаси иш  
бошлади.



### Кўргазмалар

### ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР НАМОЙИШИ

Анъанавий ўтказиб келинаётган  
кўргазмада бу сафар қишлоқ хўжалиги  
ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари-  
дан тортиб, уларни ишлаб чиқариш ус-  
куналари, шунингдек агросаноат маж-  
муаси йўналишида механизациялашти-  
рилган ишлар, ўсимликларни ҳимоя-  
лаш, ветеринария хизматлари ҳам на-  
мойиш этилмоқда.

Тадбирда мамлакатимиздан ташқа-  
ри, Италия, Германия, Эрон, Испания,  
Озарбойжон, Туркия, Украина, Қозоғи-  
стон каби 13 та давлатнинг 50 дан зиёд  
компанияси катнашмоқда.

Республикамиз вакилларидан айниқ-  
са «AZN» ва «Виникс» корхоналарининг  
импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари-

га қизиқиш катта бўлмоқда. Кўргазма-  
да биринчи бор иштирок этётган ком-  
паниялар ҳам анча кўпайгани эътибор-  
лидир.

Стендларда тайёр маҳсулотлар,  
озиқ-овқат қўшилмалари, зирavorлар,  
қайта ишлаш қурилмалари ва ускуна-  
лар, қадоқлаш ва куйиш ускуналари ўз  
аксини топган.

Кўргазма доирасида янги техноло-  
гиялар, ускуналар, озиқ-овқат маҳсулот-  
лари ҳамда чой тақдимотлари ўткази-  
лади. Анъанавий кўра, тажриба алма-  
шиш мақсадида семинарлар ҳам таш-  
кил этилади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул  
қилинганнинг 18 йиллиги муносабати билан ташкил этилган  
«Конституция — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-  
танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг  
Конституцияси қабул қилинган кун

## КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таъли-  
ми, Адлия вазирликлари, Бадий акаде-  
мия, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси,  
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Со-  
ғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғар-  
маси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлиги-  
да ўтказилган ушбу танловда пойтахтимиз-  
даги умумий ўрта таълим мактабларининг  
ўқувчилари иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳна-  
молигида ёш авлодни ҳар томонлама со-  
ғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга ет-  
казиш жараёнида ўқувчи-ёшларнинг  
ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалти-  
ришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.  
Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 ян-  
варда қабул қилинган «Ўзбекистон Респу-  
бликаси Конституциясини ўрганишни таш-  
кил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу бо-  
рада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мактабгача таълим масканларида «Кон-  
ституция сабоқлари», умумий ўрта таълим  
мактабларида «Конституция алифбоси»,  
«Конституция оламига саёҳат», «Давлат ва  
ҳуқуқ асослари», «Хуқуқшунослик» каби фанлар  
ўқитилапти. Айни пайтда «Менинг ҳуқуқла-  
рим», «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ, бурч  
ва мажбуриятлари» каби ўқув қўлланма-

лар ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини оши-  
ришга хизмат қилаётди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури  
доирасида юртимиздаги барча таълим  
масканларида Асосий қонунимизнинг маз-  
мун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур синг-  
дириш йўлида турли кўрик-танловлар, вик-  
ториналар, интеллектуал беллашувлар,  
ҳуқуқшунослар, олимлар ва маънавият та-  
риғбатчилари иштирокида давра суҳбат-  
лари, мулоқотлар ташкил этилмоқда. Анъ-  
анавий тарзда ўтказиб келинаётган «Кон-  
ституция — бахтимиз пойдевори» респу-  
блика кўрик-танлови ҳам ана шундай тад-  
бирлардандир. Мазкур ижодий беллашув-  
да ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билими ба-  
ҳоланди.

Кўрик-танловнинг иншолаб йўналиши  
бўйича, деб хабар беради ЎЗА, Шайхон-  
тоҳур туманидаги 20-мактаб ўқувчиси Фе-  
руза Ҳожиёва, тасвирий санъат йўнали-  
шида Учтепа туманидаги 62-мактаб ўқув-  
чиси Чингиз Муродов, видеоролик йўна-  
лиши бўйича Юнусобод туманидаги 252-  
мактаб ўқувчиси Шоҳрух Мўминов бирин-  
чи ўринни қўлга киритди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг республика  
босқичига йўлланма олишди.

Гўзал САТТОВА

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда «Конституция — бахти-  
миз пойдевори» ҳамда «Президент асар-  
лари билимдони» республика танловла-  
рининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Халқ  
таълими вазирлиги, «Тасвирий ойина»  
ижодий уюшмаси, «Камолот» ЁИХ ҳамда  
«Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкор-  
лигида ташкил этилган ушбу тадбирда  
48 нафар ёш истеъдод соҳиби ўзлари-  
нинг ҳуқуқий билимларини намойиш эт-  
дилар.

• Жиззах давлат педагогика институ-  
тида Зулфия номидаги давлат мукофоти  
учун ўтказилаётган кўрик-танловнинг ви-  
лоят босқичи бўлиб ўтди. Танлов якунига  
кўра 15 нафар истеъдод соҳибаси турли  
йўналишлар бўйича ғолиб деб топилди,  
ижодий кўрикнинг республика босқичи-  
да қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

• Навоий шаҳридаги вилоят давлат са-  
нитария-эпидемиология назорати мар-  
кази қошида МЧЖ «STAR LIGHT GOLD» ва-  
кциналаштириш маркази очилди. Бу ерда  
16 ёшгача бўлган болалар ва аёлларни  
режали тарзда ва турли эпидемияларга  
қарши вакциналаш амалга оширилади.  
Марказ ходимлари Тошкентда ўз мала-  
каларини оширдилар.

• «Маҳалла» жамғармасининг Қизилте-  
па тумани бўлими масканида «Камолот»  
ЁИХ ташаббуси билан туманда истиқо-  
мат қилувчи кам таъминланган оилалар  
фарзандларининг 40 нафари Бухоро шаҳ-  
рига саёҳат қилдилар.

• Тошкент Фотосуратлар уйида Ижо-  
дий фотосуратлар студия мактаби бити-  
рувчилари асарларининг кўргазмаси таш-  
кил этилди.

• Янгиер шаҳридаги «Анвар нон» масъ-  
улияти чекланган жамиятида 100 милли-  
он сўмлик кредит эвазига кенг қўламли  
модернизация ишлари амалга оширил-  
ди. Хориждан келтирилган замонавий  
технологиялар ёрдамида бу ерда ойига  
20 миллион сўмликка яқин нон ва нон маҳ-  
сулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхо-  
нига тортиқ қилинмоқда.

• Тошкент Олий умумқўшин кўмондон-  
лик билим юртида «Оила — муқаддас  
кўрган» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.  
Баркамол авлод йилига бағишлаб таш-  
кил этилган ушбу анжуманда аҳолининг  
репродуктив саломатлигини мустаҳкам-  
лаш, соғлом турмуш тарзини шакллан-  
тириш борасида мамлакатимизда амал-  
га оширилаётган изчил ислохотлар са-  
маралари ҳақида сўз юритилди.

• Фарғонада вилоят собиқ қон қуйиш  
станцияси Минтақавий қон қуйиш мар-  
казига айлантирилиб, барча тиббий та-  
лаб ва мезонларга жавоб берадиган жа-  
монавий бино билан таъминланди. Мар-  
казга Осиё тараққиёт банки кредити асо-  
сида 800,4 миллион сўмлик тиббий жи-  
ҳозлар келтириб ўрнатилди.

## ЖАҲОНДА

• АКШ президенти Барак Обама Жа-  
нубий Кореяни химоя қилиш учун итти-  
фоқчилик мажбуриятлари мавжудлигини  
тасдиқлади.

• Корея ярим оролидаги қуроли мо-  
жаролар туфайли Япония мудофаа куч-  
лари юқори тайёргарлик даражасига кел-  
тирилди.

• Португалияда ҳукуматнинг ижтимо-  
ий-иқтисодий сиёсатида қарши умуммил-  
лий иш ташлаш уюштирилмоқда.

• Германиянинг Гамбург федерал за-  
мини судида сомалилик ўн нафар қароқ-  
чи устидан суд жараёни бошланди. Бу  
босқинчилар жорий йилнинг 5 апрелида  
мамлакатнинг «Тарап» юк кемасига ҳужум  
уюштирганди. Ўшанда кема экипажининг  
ўз вақтида Европа Иттифоқи ҳарбий-ден-  
гиз кучларига берган хабари туфайли  
улар қўлга олинганди.

• Кеча Исроилдаги нефтни қайта иш-  
лаш заводида рўй берган портлаш нати-  
жасида икки киши ҳалок бўлди, шунча  
одам тан жараҳатлари олди.

• АКШнинг «Delta Airlines» авиакомпан-  
иясига қарашли «Боинг — 767» йўловчи  
самолёти парвоз вақтида энгил ҳалокат-  
га учради. Ўрни, Атланта шаҳридан ҳавога  
кўтарилган самолётнинг двигателларидан  
бири ишламай қолган ва у зудлик билан  
аэропортга қайтишга мажбур бўлган.  
Возеа юз берган пайтда самолётда 262  
нафар йўловчи бўлиб, улардан ҳеч бири-  
га шикаст етмаган.

• Никарагуада катта миқдорда гиёванд  
моддалар мусодара қилинди. Мамлакат  
ҳуқуқ-тартибот идоралари ва қуроли куч-  
лари ҳамкорлигида ўтказилган махсус  
амалиёт чоғида Миститос оролида 1,4  
тонна кокаин юкланган тезювар қайиқ уш-  
ланди. Уни қўлга олиш чоғида жиноятчи-  
лар қонун ҳимоячиларига жиддий қарши-  
лик кўрсатишди.



Ватанимиз пойтахтининг остонаси

## ДОЛЗАРЪ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси депутатларнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалаларига доимий равишда эътибор бераётганликларининг яна бир ёрқин исботидир. Бу ҳужжат Хўжалик процессуал кодексининг амалдаги тахририда хўжалик судларининг маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлар жараёнида юзага келадиган ишларни кўриб чиқишнинг тартибга солуви боб мавжуд эмаслиги муносабати билан ишлаб чиқилган. Ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, алоҳида ҳуқуқий тартибга солишни талаб этади. Шу муносабат билан Хўжалик процессуал кодексининг махсус бобига ана шу тоифадаги ишларни хўжалик судлари томонидан кўриб чиқиш жараёни батафсил тартибга солуви нормани киритиш тақлиф этилмоқда.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Мазкур ҳужжат ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши, шу жумладан, давлат рамзларидан фойдаланиш масалаларининг тўлиқ тартибга солинмаганлиги билан

боғлиқ қатор узилтишлар мавжудлиги, давлат рамзларини тижорат мақсадларида қўллашга тақиқ йўқлиги, шунингдек, бу қонун ҳужжатларининг талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган.

Атрофлича муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси ушбу қонунни учинчи ўқишда қабул қилиб, Сенатга юборди.

Депутатлар, шунингдек, дафн этиш ва дафн ишига доир ўзига хос соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ҳамда янада аниқроқ белгилашни назарда тутувчи «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги қонунни ҳам учинчи ўқишда қабул қилиб, Сенатга юбордилар.

Олий Мажлис қўйи палатаси депутатлари «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратди. Бу ҳужжатлар кўрмас мўлк бозорини ҳуқуқий тартибга солишга, етарли малакага эга бўлган кишилар профессионал фаолиятнинг бу тури билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратишга қаратилгандир. Турар-жой фондини, нотура-жой ва ишлаб чиқариш объектларини тижорат айланмасига фаол жалб этиш, хўжалик юришти усулларида юз бераётган туб ўзгаришлар мамлакатимизда риэлторлик хизматларининг миқдори ва диверсификацияси кенгайтишга олиб келди.

Барча билдирилган фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳо-

кама қилиб, Қонунчилик палатаси бу қонунларни учинчи ўқишда қабул қилди ва маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатга юборди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Янгийўл шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Андижон вилоятининг Асака шаҳри ва Асака тумани ҳудудларини бирлаштириш ҳамда Асака шаҳрини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томонидан киритилган тақлифларни маъқуллади.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари фаол иштирок этдилар. Улар ўз партия дастурлари ҳамда сайловчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат бўйича ва унинг алоҳида моддалари бўйича фикр билдирдилар. Айниқса, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш чоғида сиёсий партия фракциялари ўртасида кескин баҳслар бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бўлиб ўтган мажлиси чоғида қабул қилинган барча қонун ҳужжатларида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг нуқтаи назарлари ўз аксини топди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати**

**Мустақиллик йилларида таълим-тарбия тизимида ҳам кўплаб ижобий ўзгаришлар юзага келди. Жумладан, амалга жорий этилган янги давлат таълим стандартлари ҳаттоки хорижий мамлакатларда ҳам тан олинган бўлиб, бу, албатта, бизнинг ютуғимиздир.**

## Ҳамкорлик ришталари

### ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик натижаси ўлароқ ҳар бир таълим муассасасида хориждан келтирилган асбоб-ускуналар, фанларга оид жиҳозлар, замонавий технологиялардан кенг қўлланилмоқда. Буларнинг барчасини таълим тизимидаги ҳамкорликнинг акс садоси десак, муболага бўлмайд.

Яқинда Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежига хорижий ҳамкорлар билан шерикликда барпо этилаётган «General Motors» акциядорлик жамияти вакиллари таширф буюрди.

Мақсад – айнан бизнинг муассасамизда таълим олиш билан бир қаторда танлаган соҳаси бўйича ҳам билим, ҳам дастлабки малакага эга бўлган иккинчи ва учинчи босқич ўқувчилари орасидан тест синовлари орқали энг иқтидорлилари саралаб олинди. Кейинги босқичда ўқувчилар билан алоҳида суҳбат ўтказилди.

Ҳозирги кунда мазкур корхонани қуриш ишлари давом этмоқда. 2011 йил ноябрь ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бу ерда «ДОНС» автомашинаси учун двигатель ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, тўлиқ қувватда ишга тушгач, 1200 та ёш мутахассис иш билан таъминланади.

«General Motors» акциядорлик жамияти меҳмонларини коллежимизда ўқувчилар уч йил давомида билим олиш билан бирга амалиёт машғулотларида малака ва кўникмаларни ҳам шакллантириш имкониятига эга эканлиги катта қизиқиш уйғотди. Назарий билимлар коллежнинг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш устахонасида амалий кўникмалар билан уйғунлаштириб борилади.

Айтиш жоизки, коллежимиз ҳозирга қадар «Ройсон» қўшма корхонаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Тадбирга келсак, учрашувдан сўнг ўқувчиларимиз чўқур билим олиш қанчалик муҳим эканлигини англаб етишди десак, адашмаймиз.

**Муқаддам МАНСУРОВА, Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежи ўқитувчиси**

тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, маъмурий жазога тортилган. Аммо у бундан ўзига тегишли хўла соҳасида чиқариб олмасдан, бошқарувида бўлган автомашинада тегишли лицензияни олмасдан туриб, Тошкент шаҳри ичида ҳамда Наманган-Тошкент шаҳарлари йўналишида маълум бир ҳақ эвазига йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланиб келган. 2010 йил 10 июль кунини Ҳамза тумани ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган рейд текшируви давомида И.Салимов «Нексия» русумли автомашинани ишончнома орқали бошқариб, фуқаро А.Мухомиевни Қўйлиқ бозоридан «Рохат» бекатига қадар олиб бориб қўйиш учун тегишли кира ҳақи олганлиги аниқланган. Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг ажримига кўра, И.Салимов жиноят содир этганликда айбдор деб топилган.

Минг афсуски, бундай мисолларни ўнлаб, ҳаттоки юзлаб келтириш мумкин. Ният қиламизки, ушбу йўналишда фаолият юритаётган фуқароларимиз қонунга итоаткор бўлиб, юртимизда тадбиркорлар учун яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, эл-юртимиз фаровонлигига ўз хиссасини қўшади.

**Азизбек ЮЛЧИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим прокурори**

## Иқтисодиёт

### ЯНГИ ҲОЯЛАР ВА ТАЖРИБА АЛМАШУВЛАРИ

Юртимиз иқтисодиётини юксалтиришда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Корхоналарни илғор технологиялар ва замонавий техника билан жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган ишлар давом эттириляётир, янги қувватлар ишга туширилмоқда.

«Art Print @ Textile» масъулияти чекланган жамиятида махсус иш кийимлари ҳамда ўрин-кўрпа филофлари, матраслар тикилади. Бундан ташқари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг логотипи туширилган спорт кийимлари, бошқа анжомлари ҳам тайёрланади.

— Икки йиллик фаолиятимиз давомида, — дейди жамият бошқаруви раиси Мирислом Усмонов, — янги-янги лойиҳаларни жорий этишга ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Ички ва ташқи бозор, бюротмачилар ҳоши ва эҳтиёжи доимо ўрганиб борилади. Яқинда тўртинчи марта ўтказилган халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида, шунингдек тўқимачилик ускуналари ва технологиялари намойишида ҳам муваффақиятли қатнашдик. Тўқимачилик технологиялари, жумладан мато тайёрлаш, бўяш, ишлов бериш, компрессор ускуналари, тикув ва тўқув машиналари, бўёқлар ва кимёвий моддалар, кўйингки, фурнитурга йўналиши, техник хизмат кўрсатиш соҳаларидаги янгиликлардан воқиф бўлдик. Янги ғоя ва лойиҳалар, соҳа мутахассислари билан ўзаро ахборот ва тажриба алмашиш фаолиятимиз ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

### ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА МУҲИМ БЎГИН

**Мамлакатимизда иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича халқаро сифат сертификатига эга корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда.**

Энергетика тармоғида фаолият кўрсатаётган «Электроизолит» қўшма корхонаси ISO 9001:2009 халқаро сифат стандартларига мувофиқлик сертификатига эгаликда эришди.

Корхона 12 йилдан буён энергетика саноати объектлари, нефть-газ ва кимё саноатида қўлланиладиган асосий ҳамда ёрдамчи ускуналарни таъмирлайди, қурилиш материалларини ишлаб чиқаради.

— Ҳозирда корхонамиз 15 бўлимдан иборат, — дейди корхона техник директори Сергей Тоқунов. — Исиклик ўтказмайдиган буюмлар, ўт ва кислотага чидамли гишт ишлаб чиқарадиган иккита завод ҳамда профилланган лист ва лок-бўёқ маҳсулотлари тайёрлайдиган участкалар ҳам мавжуд.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиз ва унинг ташқирисидда энергетика, газ-кимё саноати, бошқа кўплаб тармоқларда кенг қўлланилаётгани, албатта, юқори сифатнинг ёрқин далилидир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда корхонада модернизация ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳсулот турларини кўпайтириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутмоқда. Сидқидилдан меҳнат қилиб, корхона муваффақиятини таъминлашга ҳисса қўшаётган ишчи-хизматчилар томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 2,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Эътиборли томони яна шундаки, бу ерда маҳаллийлаштириш дастури доирасида кислотага чидамли ва қоплама гишт ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Янги лойиҳалар асосида қўшма корхонада ишлар давом эттирилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

### ЭКСПОРТ ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**«Соғлом юрак» масъулияти чекланган жамияти томонидан юрак фаолиятини яхшилашга хизмат қилувчи дори воситалари тайёрланади. Бу ерда нитроглицерин дармон воситаси таблетка ҳамда инъекция сифатида ишлаб чиқарилиши кенг йўлга қўйилган.**

— Фармацевтика соҳаси олимлари билан ҳамкорликда иш юритамиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Сергей Горбачев. — Эл соғлиғи йўлида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда импорт ўрнини босувчи дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш устида доимий илмий изланишлар олиб борилади. Кўплаб кўргазма-ярмаркаларда, кооперацион биржаларда ҳам қатнашимиз натижасида Марказий Осиё минтақаси доирасида маҳсулотларимизга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Кейинги пайтда бир нечта янги шартномалар тузишга эришдик.

Яқин келгусида корхонани кенгайтириб, фармацевтик завод қуриш, ўз навбатида, кўплаб янги иш ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган.

Жамшид ҲАМРОЕВ

## Узоқ-яқин йўлларда, серқатнов шаҳар кўчаларида тизилиб келаётган автомашиналарни кўрганингда, халқимизнинг моддий фаровонлиги ошииб, турмуш тарзи янада юксалиб бораётганлигидан беихтиёр мамнунлик ҳис қилсан.

Кувончли томони, шахсий транспортдан ташқари, хусусий такси хизмати ҳам кенгайиб, узоғимизни яқин қилмоқда. Бироқ хусусий равишда йўловчи ташиш хизматини кўрсатиб келаётган айрим шахслар фаолиятини, афсуски, тўлалича қонуний деб бўлмайд.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори билан тасдиқланган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати»га кўра, автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензия олинмиши шарт бўлган фаолият ҳисобланади. Ушбу фаолият билан белгиланган тартибда лицензия олмасдан шуғулланганлик эса тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради.

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қароридан фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизматлари сифатини

ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

## ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯНГИЗ БОРМИ?

Пойтахт ҳудудида ушбу фаолият Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги махсус департамент томонидан лицензияланади ва мувофиқлаштириб борилади.

Масаланинг яна бир томони, лицензия талабларида автотранспорт воситалари ҳар йили техник кўриқдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши мажбурийлиги кўзда тутилган бўлиб, бу биринчи навбатда, ушбу хизматдан фойдаланаётган йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғининг ишончли ҳимоясини таъминлайди. Бундан ташқари, мазкур фаолият билан шуғулланадиган юридик шахслардан солиқ тўловлари ундириб борилади. Бундан эса, албатта, халқимиз

наф қўради. Қонунчиликда ушбу фаолият билан ноқонуний шуғулланганлик учун тегишли жавобгарлик ҳам белгиланган. Жумладан, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш билан лицензиясиз шуғулланиш биринчи марта со-

дир этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси МЖТК бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади. Бунда фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин қайтариладиган бўлса, жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Масалан, Наманган шаҳрида доимий яшовчи фуқаро И.Салимов муқаддам Жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг 2010 йил 19 апрелдаги қарорига асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси билан назарда



№ 6 (207) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаз қилиш қўмитасининг саҳифаси

«Болалар нигоҳида чиқинди муаммоси» – ушбу широк остидаги экологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган расмлар кўрик-танлови Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Табиатни муҳофаз қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилди. Биринчи босқичда «Чизиқлар», «Ренессанс», «Ижод алифбоси», «Ёш рассом»

## ТАБИАТГА МЕҲР БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

тасвирий санъат тўғрисида аъзолари иштирок этди. Якуний босқичда А.Ага-Мирзаев ва Г.Саркисовлар ғолиб чиқди. «Биохилма-хиллик болалар нигоҳида» танловида 38 нафар ўқувчи қатнашган бўлса, «Ренессанс» тўғрисида аъзоси А.Сала-

мов биринчи ўринга сазовор бўлди. «Ижод алифбоси» тўғрисида вакиллари махсус совринга сазовор бўлишди.

Шаҳар табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Экологик калейдоскоп» викторинасида 30

дан ортқ ўқувчи иштирок этди. Совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Биоэкопан» услубий мажмуаси ташаббуси билан ташкил этилган «Гуллар ва қўшлар байрами» кўрик-танловида «Ёш рассом», «Чевар» тўғрисида

тарбияланувчилари расмлари, икебаналари, бево-сита марказ ходимлари томонидан етиштирилган хонаки гуллар намойиш этилди. Танловнинг республика босқичида Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази учинчи ўринга сазовор бўлди.

Айни пайтда Табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси эълон қилган «Жонажон шаҳрим экологияси» кўрик-танловида марказ тарбияланувчиларидан 80 га яқин расм топширилди.

Ёшларда табиатга меҳр уйғотиш йўлидаги бундай тадбирларда марказ бундан кейин ҳам фаол иштирок этади.

**Т.МИРСАГАТОВА,**  
Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази раҳбари

2010 йил — Баркамол авлод йили

## ТАЪЛИМ ВА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Халқ таълими вазирлиги,**  
**Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги,**  
**Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ва бошқа ташкилотлар**  
**ҳамкорлигида таълим ва бошқарув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.**

Тадбирда халқ таълими ҳудудий бошқармаларининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги педагог ходимлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг информатика фани ўқитувчилари, ахборот-коммуникация соҳаси вакиллари, провайдер компаниялар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда компьютерлаштиришни янада ривожлантириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқувчи-ёшларнинг бу соҳада билим олишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш, умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид лойиҳаларга мувофиқ мактабларни замонавий компьютер жиҳозлари ва техникаси билан таъминлаш, ўқув жараёнида мультимедиа ва электрон дарсликлардан, рақамли таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, уларда ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Умумий ўрта таълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий таълим даргоҳлари, маънавият масканлари, музейларни «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғига улашга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар, педагогика соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар учун таълим, илм-фандага сўнги янгиликлардан бохабар бўлиш, мактаблараро ўзаро тажриба алмашиш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги қарийб саккиз ярим минг мактаб ушбу тармоққа уланган. Туман ва шаҳарлар, чекка ҳудудлардаги мактабларни «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғига улаш ишлари «Ist Telecom», «Perfectum mobile», «Uzmobile» провайдер компаниялари орқали амалга оширилмоқда.

Умумий таълим мактабларини жамоат таълим ахборот тармоғига улашда ўқитувчилар, ахборот-коммуникация соҳаси мутахассисларининг касб малакаси ва маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎЗА мухбирига «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғини ривожлантириш лойиҳасининг «Ist Telecom» компаниясидаги менежери Хусан Абдусаматов. – Бундан турли семинарлар, малака ошириш курслари, илмий-маърифий анжуманлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинар-тренингда «ZiyoNET» таълим портални ресурслар билан бойитиш, жамоат таълим ахборот тармоғидан самарали фойдаланиш, таълим масканларида локал тармоқларни ташкил этиш, умумий ўрта таълим мактабларида компьютер техникасига сервис хизматини кўрсатишга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

## «ИҚЛИМ ВА САНЪАТ»

**Ёшлар ижод саройида**  
**“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси,**  
**Гёте институти ҳамкорлигида**  
**“Иқлим ва санъат” мавзусидаги видео-арт кўргазмаси ташкил этилди.**

Юртимизда тасвирий санъатнинг узвий қисми бўлган видео-арт йўналиши ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мусавирнинг ўй-хаёллари, фикр-мулоҳазаларини аудио-визуал тарзда ифодаловчи ушбу санъат тури ихлосмандларга жонли тасвир, овоз ва маконни ҳис этиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Юртимизнинг ижодкор ёшлари замонавий санъатнинг мазкур йўналишида ҳам самарали фаолият кўрсатаётди.

Ёшларда атроф-муҳит, табиатга эътибор ва меҳрни мустаҳкам қарор топтириш мақсадида ташкил этилган ушбу кўргазмада ўзбекистонлик ёш рассомлар – Мунира Алимұхамедованин «Микроклим», Аскар Ҳуснованин «Дарахт», Раиса Дорошинанин «Мерос», Дарья Сорочкинанин «Ришталар» каби видео-арт санъати асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

– Видео-арт замонавий санъатнинг жадал ривожланиб бораётган турларидандир, – дейди ЎЗА мухбирига германиялик рассом Ян Вербек. – Ушбу кўргазмада намойиш этилаётган ижодий ишлар ёшларнинг ўз фикр ва тасаввурларини дадил баён этиши, видео-арт йўналишида ҳам самарали ижод қилаётганини тасдиқлайди. Кўргазма табиат ва унинг ажралмас қисми бўлиши инсон ўртасидаги ажиб уйғунликни юракдан ҳис этишга яқиндан ёрдам беради.

Назозат УСМОНОВА

## ХАЗОНЛАРНИ ЁҚИШ — КОНИ ЗАРАР

**Олтин куз она табиатимизга ўзгача файз бағишлайди. Куз келиши билан ҳаво кескин ўзгариб, бу фаслнинг ўзига хос файзи ва таровати бўлган дарахтлар япроқ ташлайди.**

рига риюя қилинмаса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан беш баробаригача жазима солинади.

Фақат октябрь ойининг биринчи ярмида қўмита нозирлари томонидан 20 та ҳолат аниқланиб, еттитаси бўйича мансабдор шахслар жазимага тортилди.

Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи хазон ёқилишининг олдини олишда корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, барча бирдек масъулиятли бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳар йили куз фаслида бу масала кўтарилди, албатта. Бироқ унинг ечимига унчалик эътибор қилинмайди. Лоқайдлигимиздан эса асосан ўзимиз азият чекамиз. Ваҳоланки, хазон муаммосини бартараф этиш учун ота-

боболаримиз қўлаган усул — ўғит тайёрлашда фойдаланса бўлади-ку. Бунинг учун хазон тўкиш учун чуқурларни кўпайтириш, барча махсус транспорт воситаларини жалб этиш, ёқилган хазонни аланга олмасдан ўчириш учун махсус тузилган гуруҳлар ишини фаоллаштириш даркор.

Табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси томонидан хазон ёқиш каби салбий ҳолатларга йўл қўяётганлар жавобгарликка тортилиши мумкин, албатта. Аммо бу билан вазият ўзгарармикин? Бу муаммони ҳал қилиш учун барча бир ёқадан бош чиқариши керак.

Ҳамшаҳарларимизни хазонни тегишли чуқурларга тўкиб, ёқишга йўл қўймасликка, ўзлари ва фарзандлари соғлигини муҳофаз қилишга чақириб қоламиз.

**М.УМАРОВА,**  
давлат нозири

**Атмосфера ҳавосининг бузилиши инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга иқтисодиётга ҳам катта зарар етказилади.**

## «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРЛАРИ САМАРАСИ

Атмосфера ифлосланиши деганда унинг таркибида мавжуд бўлган газлар мувозанатининг табиий ва сунъий омиллар натижасида вужудга келган ҳар хил газлар, қаттиқ зарралар, чанг, радиоактив чанг, сув буглари таъсирида бузилиши ва сифати ўзгариши кўзда тутилади.

Республикамизда табиий манбаларни оладиган бўлсак, бунда асосан ҳавога кўтариладиган чанг зарралари алоҳида роль ўйнайди. Кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши атмосфера ҳавосининг ифлосланишини тезлатди.

Асосан шаҳар атмосферасини ифлослантирувчи манбаларга автомобиль транспорти (40 фоиз), энергетика саноати (20 фоиз), корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёни (14 фоиз) қиради. Бундан кўриниб турибдики, атмосферани ифлослантирувчи асосий манба транспорт воситалари ҳисобланади.

Автомобил, самолёт, тепловоз, қишлоқ хўжалик машиналари кўп миқдорда кислород сарфлаб, атмосферага ҳар хил газларни чиқаради. Шунинг учун ҳар йили Тошкент шаҳар табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси томонидан Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда икки босқичда баҳор ва куз мавсумларида «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилади. Бундан мақсад инсон саломатлиғига таъсир қилувчи заҳарли газлар миқдорини камайтириш, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришдир.

Автомобиль чиқиндилари шуниси билан хавфлики, биринчидан, улар биосферанинг фаол зонасига тушади. Иккинчидан, таркибида барча тириклик учун жуда заҳарли бўлган кўрғошин бирикмалари мавжуд. Учинчидан, автомобиль газ чиқиндилари атмосферанинг ерга яқин қатламига, инсон нафас оладиган сатҳга тушади. Иссиқ иқлим шароитида йўллар кўплиги, кўчалар йўл белгилари, йўлчиқроқлар сероблиги вазиятни янада мураккаблаштиради. Йўллар қониқарсиз бўлган шароитда ҳавонинг автомобиль газ чиқиндилари билан булғаниш меъёридан беш-ўн марта ортади.

Автомобиль атмосфера ҳавосини ҳар хил заҳарли газлар билан ифлослашдан ташқари, аҳолининг нафас олишига кетадиган кислороддан уч-тўрт марта кўп кислород сарфлайди.

Ҳавонинг кучли ифлосланиши инсонлар соғлиғига, барча жонотларга салбий таъсир кўрсатади. Бу борада автомобиллардан чиқаётган заҳарли газлар меъёридан ортқ бўлмаслиги йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, жумладан «Тоза ҳаво» тадбирлари изчил ўтказиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

**Ф.ФАТХУЛЛАЕВ,**  
шаҳар табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси мутахассиси

Дарахт барглари бутун ёз давомида ҳар хил заҳарли моддаларни, чанг ютиб, ўзидан кислород ажратади. Ёз бўйи чиққан чанг ва газлар баргларга ўтириб, кузда хазон бўлиб тушади.

Куз шаҳар табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси учун кўп ташвишлар келтирадиган фасл ҳисобланади. Айнан шу пайтда хазон, шох-шаббалар ёқилиши кузатилади. Бу эса атмосфера ҳавосида карбонат ангидрид ва бир қатор заҳарли моддалар кўпайишига олиб келади.

Очигини айтиш керак, бу ҳақда қанчалар бонг урилмасин, барибир уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари, ҳамшаҳарларимизнинг ҳам баъзида эътиборсизлиги туфайли пойтахтимизда экологик мувозанатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар кўзга ташланиб турибди.

Мисол тариқасида Чилонзор тумани, 11, 12, 15-мавзёлардаги ҳолатни келтириш мумкин. Айнан шу ҳудудларда хазон ва шох-шаббаларни ёқиш ҳолатлари юзасидан қўмитага хабар ва фуқаролар томонидан шикоятлар тушмоқда. Минг афсуски, айрим жойларда хазон дарахтлар тагида, йўл четларида ёқилиб, ўзидан заҳарли тутун чиқармоқда.

Эслатиб ўтамизки, «Табиатни муҳофаз қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси талаблар-

## ЭКОЛОГИК КУНДАЛИК

● «Промоборудование» АЖ директори Р.Гумеров ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариб ташлаш меъёрини таъминламагани учун ЎЗР МЖ Кодексининг 85-моддасига асосан 115 минг сўм миқдоридан жазимага тортилди.

● «Дилқушо иккинчи» ХУЖМШ директори А.Йўлдошев хазон ва шох-шаббаларни ёқиб юбориб, атмосфера ҳавосини ифлослантирганлиги учун ЎЗР МЖ Кодексининг 88-моддасига асосан 135,6 минг сўм миқдоридан жазима тўлайдиган бўлди.

● «Silver silk company» ҚК бош энергетиги М.Шакиров ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва утиллаштириш қоидаларини бузганлиги учун ЎЗР МЖ Кодексининг 91-моддасига асосан 91 минг сўм миқдоридан жазимага тортилди.

● «BF textile» ХК цех бошлиғи Метин Ташдемир табиий сув манбаларидан сув олиш лимит ва қоидаларини бузганлиги учун ЎЗР МЖ Кодексининг 74-моддасига асосан 140 минг сўм миқдоридан жазима тўлашга мажбур бўлди.

● «Подъёмник» АЖ директори А.Цегалев бўяш ишларини олиб бориш пайтида атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган ускуналардан фойдаланилмаганлиги учун ЎЗР МЖ Кодексининг 86-моддасига асосан 100 минг сўм миқдоридан жазимага тортилди.

● «Бирлик коммуналчи» ХУЖМШ директори О.Бабаев ўсимликларга етказилган зарар учун ЎЗР МЖ Кодексининг 162-моддасига асосан 135 минг сўм миқдоридан жазимага тортилди.

● «Axoin Plast» АЖ директори Айдин Мустафа экологик экспертизанинг ижобий хулосасисиз ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилганлиги учун ЎЗР МЖ Кодексининг 96-моддасига асосан 50 минг сўм миқдоридан жазимага тортилди.

● «САР» АК авиатеҳниги Д.Мирзаев ерларни нефть маҳсулотлари билан ифлослантирганлиги учун ЎЗР МЖ Кодексининг 65-моддасига асосан 140 минг сўм миқдоридан жазима тўлашга мажбур бўлди.



## Спорт янгиликлари



## ФИНАЛ УЧУН ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВ

**Ўзбекистон шахмат федерацияси Тошкент шаҳар бўлими томонидан эркаклар ва аёллар ўртасида очик чемпионатнинг ярим финал босқичи бўлиб ўтди.**

Мусобақада тўрт нафар спорт усталига номзод, 32 нафар биринчи тоифали спорт устаси, жами 58 нафар шахматчи финал учун кураш олиб борди. Швейцарча усулда ФИДЕнинг барча қоидаларига риоя этган ҳолда тўққиз турдан иборат тарзда уштирилган беллашувда совриндорлар Бухгольц ва таракқиёт коэффициентлари бўйича аниқланди.

Дастлабки ўттизта ўринни эгаллаган иштирокчилар 2011 йилнинг январь ойида ўтказиладиган Тошкент шаҳар чемпионатининг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

И.ДИЛШОДОВ

Козим Ўлмасов олган сурат

## МИНСКДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

**Беларусь пойтахти Минск шаҳрида универсал жанг бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.**

Россия, Беларусь, Руминия, Польша, Молдова, Тожикистон, Озарбойжон, Туркменистон, Украинадан келган 300 нафар спортчилар иштирок этган ушбу турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Нодира Қодирова бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам совриндорлар сафидан жой эгаллади.

Турли вазн тоифаларида голиблик учун кураш олиб борган спортчиларимиздан Жамол Омонов, Немаматулла Шуқуров, Аскар Айматов ва Дилшод Сувонов бронза медаллари билан тақдирланди.

## ВЛАДИКАВКАЗДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

**Мухлисларнинг ёдида бўлса, бундан 15 йил аввал Владикавказнинг «Алания» клуби Россия чемпионати олий лигасида муваффақиятли иштирок этиб, чемпионликни қўлга киритган эди.**

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу муваффақиятда футболимиз юлдузи Миржалол Қосимовнинг хиссаси бекиёвс бўлган. «Алания» таркибида ўша йили 22 учрашувда сардор сифатида майдонга тушган Миржалол рақиблар дарвозасини ўн марта аниқ нишонга ола билган. Қизғин шундаки, «Алания» жамоаси 1995 йилда Россиянинг тўрт карра чемпиони Олег Романцев бош мураббийлигидаги Москванинг «Спартак» командасини доғда қолдирган. Дарвоқе, москваликлар шарафини ўшанда собик пахтакорчилар Андрей Пятницкий ва Валерий Кечинов ҳимоя қилишган.

Яқинда Владикавказда «Алания» футбол клуби ташаббуси билан футбол байрами уюштирилди. Тадбир иштирокчилари «Алания-95» ва «Спартак-95» жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашувига гувоҳ бўлди. Қизиқарли кечган ушбу баҳсда футболимиз юлдузи Миржалол Қосимов «Алания» таркибида, Валерий Кечинов ва Андрей Пятницкий эса «Спартак» учун ҳаракат қилишди.

Турли манбалар асосида

Акбар ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Пискент тумани СИБ томонидан 26.01.2010 йилдаги 412/413-сон ижро ҳужжатига асосан Охангарон тумани жарима майдончасида сақланаётган 1998 йилда и/ч. дав.бел. 11 G 0711 бўлган ГАЗ 322132 русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 8 612 653 сўм. Тошкент тумани СИБ томонидан 03.11.2010 йилдаги 12386-сон ижро ҳужжатига асосан МЧЖ «Кўк терак Матлубот Инвест» оморхонасида сақланаётган 2008 йилда и/ч. дав.бел. 01 L 496 EA бўлган Дамас русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 10 113 572 сўм. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.07.2010 йилдаги 1-101/10-сон ижро варақасига асосан «Шаркли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган 2005 йилда и/ч. дав.бел. 10 O 706 AA бўлган Нексия русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 12 205 088 сўм. Янгийул тумани СИБ томонидан 26.05.2010 йилдаги 1-3688-сон ижро варақасига асосан Янгийул туман Гулбахор қ.ф.й. Самарқанд кўчасида жойлашган 198,33 кв.м., ер майдонидида жойлашган савдо дўкони, автомайка ва иккита 119,14 кв.м. бўлган бино ва иншоотлари қўйилмоқда, бош.нархи – 19 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 23 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридидаги автотранспорт воситалари такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 13 январь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

**2010 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига қўйилмоқда.**

Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази ва Тошкент вилояти Қибрай тумани «Аргин савдо» корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.09.04.2010 йилдаги № 3533-сон ижро ҳужжатига асосан 1982 йилда и/ч. дав.бел. 11 Y 8131 бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 321 200 сўм. 2.19.01.2010 йилдаги № 854-сон ижро ҳужжатига асосан 1994 йилда и/ч. дав.бел. 30 X 4119 бўлган «Мерседес Бенс 280» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 240 284 сўм. 3. 07.01.2010 йилдаги № 132-сон ижро ҳужжатига асосан 2000 йилда и/ч дав.бел. 10 W 0232 бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 111 017 сўм. 4. 09.04.2010 йилдаги № 3531-сон ижро ҳужжатига асосан 1981 йилда и/ч. дав. бел. 11 W 6468 бўлган «Газ 66» русумли автотранспорт

воситаси, бош. нархи – 5 126 709 сўм. 5. 17.05.2010 йилдаги № 4697-сон ижро ҳужжатига асосан 1987 йилда и/ч. дав.бел. йўқ бўлган «Камаз 5511» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 31 326 339 сўм. 6. 26.04.2010 йилдаги № 4224-сон ижро ҳужжатига асосан 2009 йилда и/ч. дав.бел. 01 E 031 VA бўлган «Лада 21154» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 444 053 сўм. 7. 08.08.2009 йилдаги № 9546-сон ижро ҳужжатига асосан 1993 йилда и/ч. дав.бел. X 639 WKM бўлган «BMW» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 772 704 сўм. 8. 15.10.2009 йилдаги № 10921-сон ижро ҳужжатига асосан 1983 йилда и/ч. дав.бел. 12 F 85 29 бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 27 000 000 сўм. 9. 07.01.2010 йилдаги № 141-сон ижро ҳужжатига асосан 1986 йилда и/ч. дав.бел. 10 P 954 AA бўлган «Камаз 5511» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 29 918 302 сўм. 10. 09.04.2010 йилдаги № 3540-сон ижро ҳужжатига асосан 1986 йилда и/ч. дав.бел. йўқ бўлган «Газ 66» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 806 060 сўм. 11. 09.04.2010 йилдаги № 3551-сон ижро ҳужжатига асосан 1987 йилда и/ч. дав.бел. 10 U 392 AA бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 24 457 500 сўм. 12. 02.08.2010 йилдаги № 6653-сон ижро ҳужжатига асосан 1987 йилда и/ч. дав.бел. 30 T 4652 бўлган «Газ 2411» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 538 725 сўм. Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Матлубот савдо» МЧЖ корхонаси оморхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 24.05.2010 йилдаги № 1-133/2010-сон ижро варақасига асосан и/ч йили номълум дав.бел. 11 J 6651 бўлган «BMW» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 671 923 сўм. 2. 20.01.2010 йилдаги № 5-54/2010-сон ижро варақасига асосан 1972 йилда и/ч. дав.бел. 11 Z 0137 бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 847 142 сўм. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан: 1.Тошкент шаҳар «Ганга» жарима майдончасида сақланаётган 01.07.2010 йилдаги № 1-345/10-сон ижро варақ-

сига асосан 2009 йилда и/ч. дав.бел. 01 W 822 DA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 27 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган 19.09.2009 йилдаги № 14487/5-сон ижро варақасига асосан 1977 йилда и/ч. дав.бел. 11 W 11-64 бўлган «Ваз-2103» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 961 354 сўм. 3. 09.10.2009 йилдаги № 5898/5-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шаркли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган 1990 йилда и/ч. дав.бел. 30 A 7453, бўлган «Ваз-21063» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 2 756 520 сўм. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 08.04.2010 йилдаги № 11380/8-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар ИИББ ЯХХБга қарашли 2-сонли жарима майдончасида сақланаётган 1996 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. K 291 AV 73 бўлган «Ваз-2107» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 2 732 583 сўм. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар худудий СИБ томонидан 1. 03.05.2006 йилдаги № 421/2-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Низомий кўчасида жойлашган икки қаватли курилиши тугалланмаган 12-уй қўйилмоқда, бошланғич нархи – 186 781 745 сўм., 2. 06.03.2006 йилдаги № 421/2-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти Қибрай тумани «Мичурин» дала ҳовличилар худудидида жойлашган 671-сонли дала ҳовли қўйилмоқда, бош. нархи – 321 376 631 сўм., 3. 06.03.2006 йилдаги № 1167/2-сон ижро варақасига асосан 1994 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. M 44-28 бўлган «Хундай Саната» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 10 659 577 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 06.05.2010 йилдаги 1004/2665-сонли ижро ҳужжатига асосан, «KARAT STROY» МЧЖга тегишли қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани суди ҳовлисида сақланаётган, «Нексия» русумли, д/р 01896ЕАА бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 827 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар Миробод тумани, Ойбек (Авлиё ота) кўчаси, 50-уйнинг 1-қаватида жойлашган, умумий майдони 154 кв.м. бўлган «Нотурар жой». Бошланғич баҳоси – 251 790 981 сўм.

3. Тошкент шаҳар Миробод тумани, Ойбек (Авлиё ота) кўчаси, 50-уйнинг 1-қаватида жойлашган, умумий майдони 118 кв.м. бўлган «Нотурар жой». Бошланғич баҳоси – 251 790 981 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 28 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган мулклар билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф.даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Тошкент молия институти «Молия-кредит йўналишидаги чет тиллари кафедраси», «Ўзбек ва рус тиллари», «Ўзбекистон тарихи», «Математика», «Молия» кафедралари мудири ва қуйидаги кафедра-лар бўйича бўш (вакант) «Молиявий таҳлил» доцент, катта ўқитувчи; «Ўзбек ва рус тиллари» катта ўқитувчи; «Умумиқтисод йўналиши ва мутахассисликлар бўйича чет тиллари» катта ўқитувчи; «Молия-кредит йўналишлари бўйича чет тиллари» катта ўқитувчи; «Молия инжиниринги ва бозорлар» катта ўқитувчи; «Иқтисодиёт назарияси» катта ўқитувчи; «Молия» катта ўқитувчи; «Информацион технологиялар» доцент, катта ўқитувчи; «Жисмоний тарбия ва спорт» катта ўқитувчи; «Солиқлар ва солиққа тортиш» катта ўқитувчи; «Бизнес ва иқтисодиёт» доцент, катта ўқитувчи; «Сугурта иши» катта ўқитувчи; «Математика» катта ўқитувчи; «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» катта ўқитувчи; «Минтақавий иқтисодиёт» катта ўқитувчи; «Банк иши» катта ўқитувчи

## ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 234-83-99, 421-32-00

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65, факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

## Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2612 нусха босилади. Қўроқ бичими А-2



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Подшо филининг куни битиб қолаётган экан, уни қишлоққа жўнатишибди. Қишлоқ аҳолисига кимда ким подшога филининг ўлими ҳақида хабарни етказса, ўша одам қатл этилади, дея айтишибди. Қишлоқ аҳли фил ўлиб қолишдан қўрқиб, уни роса парварши қилишибди. Лекин фил тез орада оламдан ўтибди. Халқ буни кўриб, бу мудоҳиш хабарни қандай айтаман, деб азизат чекибди. Шунда бир доно:

— Дўстлар ташвишланманг. Мен ўзим бориб айтаман, — дебди.

Ҳалиги киши подшо саройига келиб: — Подшо ҳазратлари, севимли филинингиз овқат емапти, сув ичмаяпти ва ҳатто нафас ҳам олмапти, — дебди таъзим қилиб.

— Нима, ўлдими? — сўрабди подшо.

— О, жаноб олийлари, бу сўзни мен эмас, сиз айтдингиз, — дебди доно.

— Подшо зукко кишининг ўткир зеҳнига қойил қойиб, уни муқофотлабди. \*\*\*

Бир ҳайкалтарош ўзининг мўл-қўл дастурхонини ташлаб, Афлотун академиясининг зиёфатига борди. Бу ерда тансиқ таомлардан бирон лўлма топилмас эди, аммо доноларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир лўқмаси кўнглини қароғон қилар эди. Шу куни ҳайкалтарош уйига қушдай енгил бўлиб қайтди. Шундан сўнг у оз овқат билан қаноатланишга аҳд қилди. Зиёфатнинг эртаси куни Афлотунни учратиб қолганда эса: — Сизнинг овқатларингиз тановуви қилинган кундан кўра, эртанги кун учун фойдалироқ экан, — деди.

— Гийбатчи, бахил ва дангасадан ҳазар қилинг, — деди.

Шогирдлар изох сўрадилар. Ҳажим жавоб берди: — Гийбатчининг дўсти, бахилнинг ҳамроҳи бўлмайди, дангасанинг иши беунум бўлади. Бинобарин, бедўст, беҳамроҳ, бебарак ҳаётнинг маънисини бўлмайди. \*\*\*

Шоҳ донишманддан сўрабди: — Ёмон одам деб кимни айтмоқ керак? — Беандишани, — дебди донишманд.

«Бу гапни мавруди билан синиймиз», деб ўйлабди, да, шундай қўя қолибди. Бир куни улар овга чиқибдилар, тоғу тошлар оша бир манзилга етибдилар. Қарасалар: гўзал боғ, ҳушовоз булбуллар, муаттар гуллар. Улар шу оромгоҳга қўнибдилар.

Богбон меҳмонларни хушнуд этмоқ учун елиб-югурибди. Аммо тез-тез ичкари ҳовлига хавотирлиниб қарайверибди. Бу ҳолдан хабардор шоҳ вазирдан сабабини сўрабди. Вазир: «Хотини нобоп, беандиша бўлса керак», деди.

Бир пайт богбоннинг хотини қосов кўтариб, кичик ўғлини қулаб чиқиб қолибди, унинг оғзидан боди кириб, шоди чиқар экан.

Меҳмонларнинг ҳам, мезбоннинг ҳам таъблари хира, кўнглилари вайрон бўлибди. Бог ҳам, ноз-неъматлар ҳам, меҳмондўст богбон ҳам уларнинг чиройини очолмабди. Шоҳ ичиди донишманднинг сўзи тўғрилигига тан берибди. \*\*\*

Икки дўст учрашиб қолишди. Улардан бири деди:

— Дўстим, бир яхши ҳикоя ўқидим, сен ҳам тингла.

— Қулоғим сенда, гапир, ўртоқ.

— Тўрт киши Африка бўйлаб саёҳатга чиқибди, — деб гап бошлади ҳалиги дўсти. Йўлда уларнинг озиқ-овқатлари тугаб, икки кун туз тотмадилар. Ниҳоят, бир қаровсиз қулбага етиб келишди. Шунда саёҳатчилардан бири:

— Биз бирор нарса топиб овқатланишимиз керак. Мен чиқиб бирорта ҳайвонни отиб келаман деди-да, қулбадан чиқиб кетди. Бир оз юргандан сўнг у тўсатдан баҳайбат бир шерга дуч келиб қолди. Шер ҳам оч экан, саёҳатчининг орқасидан қулаб кетди. У эса қўрққанидан орқасига қарамай, қулба томон қочди. Қулбага энди етганида қаролиб, йиқилиб тушди. Қувиб келаётган шер... шер...

— Ҳа, у ёғи нима, гапирсанг-чи? — сўради дўсти бегоқатлиниб.

— У ёғини билсам айтиб берардим, бироқ китобнинг кейинги саҳифаси йўқ, йиртилган.

— Қайси нодон китобни йиритибди? — деб юборди дўсти аччиқлиниб.

— Ҳа. Бор экан-да, шундай нодон, — жавоб берди у. Шундай қилиб, икки дўст ширин овқатга тўймагандек, ночор қолавердилар.

Варағи йиртилган китоб майиб китоб ёки бамисоли қанотсиз қуш.

(Давоми бор)

Урганч шаҳридаги 26-мактаб томонидан 2003 йил 2 августда Зульфикарова Зульфия Ганиевна номига берилган U №0041132 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси — Марказий кўптармоқли поликлиника маъмурияти Яккасарой ТТБ қошидаги 60-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Дилором Зухуровна Марасуловага онаси

БЎРИХОН аянинг


вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчиси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32